

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашиёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир:

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар:

Шералиева Ж.

Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишига руҳсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фаргона,
2021.

М.Умурзақова	
Туркистанда ягона қишлоқ хўжалиги солигининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Ҳ.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеъриятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор анъаналари.....	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида анъанавий мотив ва тимсолларнинг ўрни.....	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчisi.....	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида).....	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий кўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Хабибжонов	
Форс-тоҷик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари.....	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларида мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социолингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиева, М.Қушматова	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида.....	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий тахлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшунослика абсолют синонимларнинг ўрни.....	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оиласвий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва ота- оналар ҳамкорлиги.....	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар.....	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

УДК: 413.141+415.412

ТИЛШУНОСЛИҚДА АБСОЛЮТ СИНОНИМЛАРНИНГ ЎРНИ

МЕСТО АБСОЛЮТНЫХ СИНОНИМОВ В ЛИНГВИСТИКЕ

THE PLACE OF ABSOLUTE SYONYMS IN LINGUISTICS

Сайдалиева Гавхархон Авазовна¹¹Сайдалиева Гавхархон Авазовна

– Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Чет тиллар кафедраси асистенти.

Аннотация

Абсолют синонимларнинг таркиб топиши анча қийинлиги учун ҳам улар деярли икки сўздан иборат бўлади. Бунда диалектал термин, яъни профессионализм адабий тилдаги термин билан айни бир маънога эга ҳолатга келади, абсолют синоним таркиб топади.

Аннотация

Абсолютные синонимы часто состоят из двух слов, потому что их сложно составить. Диалектный термин, то есть профессионализм, является синонимом термина в литературном языке с абсолютным синонимом.

Annotation

Absolute synonyms are often two words because they are difficult to compose. The dialectal term, that is, professionalism, is synonymous with the term in literary language, with an absolute synonym.

Таянч сўз ва иборалар: синоним, абсолют, дублет, семантик, лингвистика, стилистик.

Ключевые слова и выражения: synonym, absolute, doublet, semantic, linguistics, stylistic.

Keywords and expressions: синоним, абсолют, дублет, семантический, лингвистика.

Ҳаётимизда, кундалик турмушимизда, илим фанда, санъатда учрайдиган шундай ҳодисалар борки, улар ҳақида кўпчилик ўйламасдан юзаки фикр юритади. Биз ўз тилимизда ҳам кўп нарса биламиз, деб ўйлаймиз. Биз ўзаро сўзлар орқали эркин мулоқот қиласиз-у, лекин баъзида бир-биримизни тушунишимиз қийин бўлади. Биз томонимиздан тадқиқ қилинаётган синонимлар нима? Уларни қандай тушуниш керак?

Синонимларнинг мавжудлиги, синоним сўзлар орасидаги алоқалар қадимдан семасиология муаммоларини ишлаб чикувчи тилшуносларнинг эътиборини тортиб келган. У антоним ва полисемия ҳодисаси билан яқиндан боғланган бўлиб, лексикографлар, адабиётшунослар ва тиллар ўқитиш услубияти учун ҳам жуда муҳим. Синонимларнинг турли томонларини очишга қаратилган кўплаб тадқиқотларнинг борлигига қарамасдан, ҳалигача синонимларни аниқлашга, уларни ўрганиш усуллари, синонимларни ажратиш ва тасниф қилиш, синонимларнинг қаторлари чегарасини топишга бағишиланган тадқиқотларда муҳим бир тўхтамга келингани йўқ.

Синонимларни аниқлашга келсақ, олимлар бу борада ягона фикрга келишмаган: баъзи бир тадқиқотчилар сўзнинг бирлик маъносидан келиб чиқишиади, бошқалар – мазмунни ва сўзни предметли мантиқий бир-бирининг ўрнини босишидан, учинчилари эса сўзларнинг ўзлаштирилиш модели ва бирлигидан келиб чиқишиади. Синонимик алоқаларнинг мавжудлиги эса сўзнинг мазмун тузилиши ва маъноси билан боғлиқ.

Одатда синонимларнинг куйидаги турлари мавжуд: 1) абсолют синонимлар; 2) фразеологик синонимлар; 3) идеографик синонимлар; 4) стилистик синонимлар.

Абсолют синонимлар сўзларнинг, яъни бирдан ортиқ сўзнинг маъно муносабати айнан бир хилликка асосланган синонимлар тилшунослиқда абсолют синонимлар, деб аталади. Уларни айrim тилшунослар дублет, деб атайдилар. Баъзи ишларда эса маънолари айни бир хил синонимлар мавжудлигини айтиш билан чекланилган: у абсолют синоним деб ҳам, дублет деб ҳам аталмаган. Аслини олганда, абсолют синоним ва дублет терминлари бир хил маънога эга. Бу терминлар остида ифодаланган

сионимлар бирдан ортиқ сўзнинг семантик таркиби айни бир хил бўлишини билдиради. Масалан, ўзбек адабий тилида чега ва қадоқ сўzlари бўлиб, улар ўзаро абсолют синонимлар ҳисобланади. Чунки бу сўзларнинг ҳар иккисида ҳам иккитадан лексик маъно бор: 1) синиқ чиннининг темир пластинкача ёрдами билан бирлаштирилган ўрни; 2) синиқ чиннини ямайдиган темир пластинкача. Бу икки лексик маъно чега сўзининг ҳам, қадоқ сўзининг ҳам семантик таркибини ташкил қиласди. Бу икки сўзининг семантик таркибида бундан бошқа семантика йўқ. Яъни уларнинг семантик таркиби бир хил, ўзаро тенгдир. Улар абсолют синонимлар ҳисобланади. Мисолларга эътибор беринг: чегасидан синмоқ / қадогидан синмоқ ва чегаси тушиб кетмоқ/ қадоги тушиб кетмоқ. Бу сўзлар грамматик категорияси, яъни туркуми жиҳатидан ҳам бир хил.

Ҳамма тилшунослар тилда абсолют синонимлар борлигини бирдай қайд этишмайди. Рус семасиологи Д.Н Шмелев ҳатто "...тилда абсолют синонимлар бўлмайди", деган фикрни айтишгача боради. Лекин, албатта, савол пайдо бўлади, шундаймикан?! Ўзбек тилида лингвист /тилшунос, қарсак/ чапак, шоти /нарвон, синчалак /читтак, ўқитувчи /муаллим, аскар / солдат, сивизға / най каби сўз жуфтликлари борки, улар маъно жиҳатидан бир-биридан мутлақо фарқ қиласди. Улар айни бир хил лексик маънога эга синонимлардир. Бу тил фактлари ўз-ўзидан Д.Н.Шмелев фикрига тескари хизмат қиласди. Д.Н Шмелев ўз фикрини рус тили нуқтаи назаридан билдирган, муаллифингиз келтирган мисоллар эса ўзбекча, деб эътиroz билдириш мумкин. 1954 йил Булаховский битва /сражение (жанг маъносига), языкоzнание /языковедение (тилшунослик маъносига), красть / воровать (ўғирламоқ маъносига), самолёт /аэроплан сўз жуфтликларини ўзаро абсолют синонимлар, деб кўрсатган эди. Д.Н Шмелев буларга нисбатан муносабат билдиргмаган.

Д.Н. Шмелев абсолют синоним бўлмаслигини фақат рус тили нуқтаи назаридан эмас, умуман тиллар нуқтаи назаридан айтган. Маълумки, у ўзбек тилида ҳам бор. Бу ҳолат инглиз тилида ҳам кузатилади. Масалан, *to moan/ to groan*

(инграмоқ маъносига), *homeland /motherland* (она ватан -маъносига), *city/town* (шаҳар маъносига). Бу каби синонимлар немис тилида ҳам кузатилади. Масалан, И.Фолмерт тилшуносликка кириш учун бағишланган китобида *Bildschirm / Monitor* (монитор маъносига), *Sonnabend /Samstag* (шанба маъносига), *Orange / Apfelsine* (апелсин маъносига) сўз жуфтликларини абсолют синонимлар учун мисол тариқасига келтиради.

Юқорида келтирилган мисоллар ҳақиқатан ҳам абсолют синоним ҳисобланади. Чунки улар, асосан, термин эканлиги билан ҳарактерланади. Терминлар сўзда ифодаланган бўлса ҳам, уларнинг лексик маъносига бирор нутқи услубига хосланиш, эмоционал – экспрессив бўёқни кўрсатиш кузатилмайди. Улар маъноси сигнификатга нисбатан фарқланмас экан, абсолют синоним бўлиши табиийдир.

Абсолют синонимларга араб тили жуда бой. Манбаларда кўрсатилишича, араб тилидаги кўпгина синонимлар абсолют синонимлар эканлиги билан ҳарактерланади. Араб тили мутахассиси В.М.Белкин ҳатто: "...ёзма нутқда турли услугга оид синонимларабсолют синонимлардир" – деган фикрни айтади. Бунинг учун даъ – нур (ёруғлик маъносига), хабар /набаъ (хабар маъносига), ъунқ /рақабаҳ (бўйин маъносига) сиър /саман (баҳо маъносига), ҳатоъ /даваҳ (хато маъносига), тоқаҳ/ боқаҳ (даста маъносига), қориб / завроқ (қайиқ маъносига) сўз жуфтликларини абсолют синонимлар деб кўрсатади . Араб тилидаги абсолют синонимларнинг бундай кўплигини тил лексикаси билан боғлайди ва айтади: "... араб адабий тилида кўп сўзлар ... семантикаси нейтрал бўлади".

Сўзларнинг нейтрал лексикага эга бўлиши эса ундаги синонимларнинг абсолютлиги учун асосий сабабдир. Бу ҳам Д.Н. Шмелев фикрига тескари хизмат қиласди.

Бу масалада А.П. Ҳожиев ўз фикрини ҳар томонлама ўйлаб, анча эҳтиётлик билан билдиради. У: "Агар ҳеч қандай фарқли белги бўлмаса, бундай синонимлик (абсолют синоним) ўткинчи ҳолат..." дейди. Унингча, абсолют синоним таркибидаги бир сўз ё архаиклашади, ё шеригига нисбатан семантикасини бир жиҳати билан фарқлайди. Фактларга мурожаат қиласдиган

бўлсак, рус тилида шу вақтгача *аэроплан ва самолёт* сўз жуфтлиги абсолют синоним, деб келинади. Аммо сўнгги вақтларда *самолёт* сўзи умумхалқ нутқида кенг қўлланса, *аэроплан* сўзи китобий лексикага хослиги сезилмоқда. Бу сўзлардаги тараққиётни ўзбек тили нуқтаи назаридан ҳам айтиш мумкин. Ўзбек тилида тилшунос ва лингвист сўzlари абсолют синоним деб кўрсатиб келинади. Лекин ҳозир *тилшунос* сўзи умумсўзлашув тилида қўлланса, *лингвист* сўзи деярли китобий лексикага хосланиб бўлди. Инглиз тили ҳам синонимларга бой, чунки улар кўп тиллардан ўзлаштирилган. Лекин абсолют синонимлар саноқли бўлиб, улар луғатларда ҳам кам учрайди. Масалан, *spirants/fricatives, noun and substantive, flexion and inflection, screenwriter-scriptwriter-scripter-scenarist*-сценарийчи; *airman-flyer-flying man*-учувчи каби.

Абсолют синонимлар деярли тилларда саноқли миқдорда учрайди. Унинг ҳам айримлари юқоридагича абсолютлигини йўқотаётган бўлса, бу, А.П.Хожиев ўз қараши билан ниҳоятда ҳақ эканлигини кўрсатади. Яна қизифи шундаки, В.М.Белкин араб тилидаги синонимлар абсолют синонимлар бўлади, дегани ҳолда, бошқа бир ўринда *димог / муҳҳ* (мия маъносида), *куббаҳ / йақаҳ* (ёқа маъносида), *мишраъ / далфаҳ* (тавақа маъносида), *табақаҳ / тобиқ* (қават маъносида), *сұтраҳ / йакитаҳ* (пиджак маъносида) каби бир қатор сўз жуфтликларини келтириб, улар ўз жуфтлигида семантик айнан маънода эканлигини айтади ва уларнинг биринчиси умумсўзлашувга хослиги, иккинчиси китобий тилга мансублашганлигини кўрсатади. Бу араб тилидаги абсолют синонимлар ҳам тил учун ўткинчи эканлигини яққол қилиб қўяди. Яна араб тилида *ъишқ* ва *муҳаббат* каби семантик тенг бўлган сўз жуфтлиги борки, уларнинг биринчиси икки ёр уртасида, иккинчиси ёр, туғишганлар ва яқинлар уртасидаги бир-бирига қўйган қўнгилни ифодалаши билан ўзаро фарқланади, яъни ифода ҳажмига кўра тафовут қилади. Бу ҳам араб тилидаги абсолют синонимлар бошқа тиллардаги каби ўткинчи эканлигини кўрсатади. Эҳтимол, улар араб тилида тил характеристига кўра узокроқ яшар.

Кўрдикки, абсолют синонимлар деярли тилларда турлича миқдорда бор, лекин у жуда кам учрайди. Шу билан бирга нисбатан кам яшайди.

Абсолют синонимлар манбаи, асосан, ўзбек тилида барча тиллардаги каби терминларда учрайди. Юқорида қайд этилганидек, терминларнинг лексик маъноси фақат бир тушунчани ифода этади. Масалан, Самарқанд вилояти соҳавий лексикасида *жулқурс / жулбурс*, китобатчилик лексикасида *типография / босмахона*, қорамолчилик лексикасида *ошловчи / тузловчи, сақмончи / тўлчи, чўлламоқ* / чанқамоқ каби абсолют синонимлар жуфтлиги мавжуд. Лекин улар ҳар бир терминологик тармоқда жуда кам.

Айрим терминологик луғатларда синонимлар учрамаслиги ҳам мумкин. Масалан, физика фани соҳасидаги терминологияда абсолют синонимлар деярли йўқ. Бу ҳам табиий. Аслини олганда, терминология учун умуман синонимия ортиқча юқдир.

Абсолют синонимларнинг таркиб топиши анча қийинлиги учун ҳам улар деярли икки сўздан иборат бўлади. Терминларга оид абсолют синонимларнинг таркиб топишида диалектикал терминларнинг адабий тилга кириб келиши аҳамият касб этади. Бунда диалектал термин, яъни профессионализм адабий тилдаги термин билан айни бир маънога эга ҳолатга келади, абсолют синоним таркиб топади. Ўзбек адабий тилининг уй - рўзгор лексикасида *нарвон* термини бор. Унинг ёнига *шоти* профессионализми ўзлаштирилди. Натижада *нарвон ва шоти* терминлари ҳисобига абсолют синоним таркиб топди. Ўғиз диалектида ҳам шу маънога эга занги профессионализми бор. Лекин у адабий тилдаги *нарвон* термини билан абсолют синоним бўла олмайди. Чунки, у адабий тилнинг мулки эмас. Абсолют синоним бўлиш учун унинг таркибидаги компонентлар ҳаммаси ё бир шевага мансуб бўлиши шарт. Шу нуқтаи назардан Қарши шевасига мансуб чўт сўзи адабий тилдаги *теша* термини билан абсолют синонимлик қилмайди. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, “патли гилам маъносини” берувчи ургут шевасига хос жулқурс, Жўш шевасига мансуб қолин, Қора работ шевасига хос *тасирловуқ* профессионализмлари ўзаро абсолют синоним бўлмайди. Чунки улар ўз шевасигагина хос. Бирор шевада улар бирга қўлланмайди. Худди шу масалада чет тилидан сўз ўзлаштириш орқали ўз нуқтаи назаримизни билдиришга тўғри келади. Ҳар

ҳолда ўзлашма термин билан ўз лексикага оид термин ўртасида абсолют синоним таркиб топиши мумкин. Масалан, араб тилидан ўзбек тилига *муаллим* сўзининг ўзлаштирилиши унинг шу тилда бор ўқитувчи сўзи билан абсолют синоним таркиб топиши учун сабаб бўлган. Лекин ўзбек тилидаги қуёш сўзи араб тилидаги *шамс*, рус тилидаги *солнце*, инглиз тилидаги

sun сўзи билан абсолют синоним ҳам, умуман синоним ҳам эмас. Чунки улар бир сўзниң турли тиллардаги вариантлариdir. Кўрдикки, абсолют синонимлар кўпроқ терминологияда кузатилиб, саноқли миқдорга эга. Улар жуфт сўздан иборат бўлади; адабий тилда ўз сўзи билан диалектал ва ўзлашма сўзлар ҳисобига юзага келади.

Адабиётлар:

1. Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – М: Учнедгизю. 1954.
2. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: Изд. ЛИЯ. 1959.
3. Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. Изд. 2ое. Испр., допол. – М.: ВШ. 1983.
4. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966.
5. Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – М.: Просвещение, 1964.
6. Блумфильд Л.Язык. – М.: Прогресс, 1968.
7. Белкин Б.М. Арабская лексикология. – М.: Изд.МУ. 1975.
8. Фомина М. И. Современный русский язык. Лексикология. Изд.2ое. – М.: ВШ. 1983.
9. Абдиев М.Б Соҳавий лексиканинг систем таҳлили. Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Т., 2005.

(Тақризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктори, профессор).